SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Jild 3, Son 12/1
2023

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SP1342V3I12.1Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 12/1 (3)-2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

## МУНДАРИЖА

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР) ........ 12-18

*Qitaybekov Azizbek Kenesbek o‘g‘li*
QORAQALPOG‘ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA “DOBROLET” AKSIYADORLIK JAMIYATINING O‘RNI ........ 19-23

*Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna*
QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG’LIQ BA’ZI MAROSIMLAR ........ 24-29

*Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли*
МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ........ 30-35

*Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich*
TO‘DA-1 NEOLIT MAKONINING O’ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINI O’RGANISHDAGI O’RNI ........ 36-40

*Olimjonova Gulida Olimjon qizi*
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT BOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI .. 41-47

*O‘ng‘alov Lazizbek Amiriddin o‘g‘li*
NUROTA TOG‘ TIZMASINING TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINING O‘RGANILISH TARIXI.. 48-53

*Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich*
MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O‘ZBEKISTON MISOLIDA) ........ 54-58

*Tilavboyev Muhammad*
JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG‘LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR ........ 59-63

*To‘xtaboyev Xurmatullo Shomirza o’g’li*
O‘ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG‘ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O‘RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA) ........ 64-68

*Рахматиллаев Хасанбой*
МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР ........ 69-74

*Qurbonova Manzila Boqiyevna*
BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKLARI VA ICHIMLIKLARI ........ 75-80

*Ravshanova Gulora*
QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA’MINOTI (XX-asrning 20-yillarida) ........ 81-85

*Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОЛҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ........ 86-90

*Baxronov Abdullo Haydar o‘gli*
O‘ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINI O‘RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O‘RNI ........ 91-95

*Maxmatqulov Jasur Isroil o‘g’li*
GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI ........ 96-101

*Esanova Nilufar*
O‘ZBEKISTON–TURKIYA HAMKORLIGI VA UNING NATIJASI (TO‘QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA) ........ 102-106

*Норбоев Сарвар Қахрамон ўғли*
АФРОСИЁБДАГИ СЎҒД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50–80-ЙИЛЛАРИ) ........ 107-111

*Эсонов Зиёдбек Юлдашевич*
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ ........ 112-117

*Tishabayeva Irodaxon Rasulovna*
1960-1970 YILLARDA O‘ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI ........ 118-124

*To‘xtamisheva Fotima Musurmonovna*
MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO‘ZLIGIDA O‘ZGARISHLAR ........ 125-132

*Sattorov Nurbek*
SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O‘ZBEK XALQI ETNOGENEZI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI ........ 133-138

*Hazratov Nurali Burxon ug‘li*
QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXEOLOGIK YODGORLIKLARINING O‘RGANILISH TARIXIDAN ........ 139-144

*Mamatqulov Bekzod Sherozovich*
O‘ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA) ........ 145-149

*Berdiyev Jamshid*
VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O‘RNI ........ 150-155

*Djurakulov Sherzod Davronovich*
SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINING O’RGANILISHI TARIXI ........ 156-161

*Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна*
ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ ........ 162-172

*Зухриддин Болтаевич Жунаев*
ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар) ........ 173-181

*Mamadiev Boxodir Bobojonivich*
QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON ........ 182-186

*Norqo‘chqarov Xushvaqt Eshnazarovich*
AFG‘ONISTONDA O‘ZBEK TILINING QONUNIY ASOSLANISHI, O‘ZBEKLAR IJTIMOIY-MADANIY HAYOTIDAGI O‘RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI) ........ 187-197

*Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич*
ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ ........ 198-203

*Азаматова Гулмира Байирбековна*
ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР ........ 204-208

*Tishabayeva Irodaxon Rasulovna*
1960-1970 YILLARDA O‘ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI ........ 209-215

**08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Ostonokulov Azamat Abdukarimovich, Inoyatov Mardonbek Mo‘min o‘g‘li*
DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI ........ 216-226

*Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich*
O‘ZBEKISTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILIY- IQTISODIY MEXANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI ........ 227-232

*Отабеков Отажон Ғайрат ўғли*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ ........ 233-243

*Шакирова Фароғат Болтаевна*
ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ........ 244-255

*Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич*
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ........ 256-263

*Jumaniyazova Ro‘za Quvondiq qizi*
TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O‘ZIGA XOS JIHATLARI ........ 264-269

*Matniyozov Murodjon Rajabbayevich*
DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQISHINING AHAMIYATI ........ 270-278

*Хамидова Зарифа Урол қизи*
ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ........ 279-291

*Toshaliyeva Saodat Toxirovna*
KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIY-IQTISODIY MOHIYATI .... 292-296

*Худойназаров Фахритдин Хаитович*
ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ ........ 297-304

*Nurullayev Hoshimjon Hamidovich*
GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI ........ 305-313

*Кадырова Шарофат Амоновна*
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ .... 314-323

*Бегматова Зиёда Захиджановна*
ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ ........ 324-332

*Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich*
TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS ........ 333-340

*Masharipova Fazilat Axmedovna*
OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING AHAMIYATI ........ 341-348

*Мусинов Дилшод Султанович*
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНИНГИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА ........ 349-359

*Шакирова Юлдуз Сайдалиевна*
ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ ........ 360-368

*Абдивохидов Мамуржон Авазхон ўғли*
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ........ 369-380

*To'xtasinova Mихаууo Mirzasultonovna*
DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA ........ 381-388

*Курбанова Рахима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна*
РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ ........ 389-403

*Набиева Нилуфар Муратовна*
ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ ........ 404-416

*Safarov Radjabboy Eshmuxammadovich*
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEXANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI ........ 417-428

*Sharipova Zulayho*
SANOAT TARMOQLARI KLASTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI ........ 429-434

*Шарипов Акбар Илхамович*
ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ ........ 435-440

*Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич*
ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ . 441-447

*Xamzayeva Dilfuza Samarovna*
SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI ........ 448-452

*Усманова Насиба Акбаржоновна*
ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ ........ 453-459

*Исхакова Сарвар Аюбовна*
ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ ........ 460-467

*Ollanazarov Bekmurod Davlatmuratovich*
INNOVATSION TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO'LLASH IMKONIYATLARI ........ 468-479

*To'ychiyeva Nodira G'ulom qizi*
OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN'IY INTELLEKT ........ 480-485

*Абдураҳимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ........ 486-494

*Maxsudov Sherzod Solijonovich*
TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI ........ 495-500

*Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyarovna*
ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES ........ 501-506

*Radjabova Malika Ziyodullayevna*
AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA ........ 507-512

***09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***

*Asraqulova Adiba Nabiyevna*
ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR ....................513-520

*Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич*
ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ ....................521-530

*Гуламова Мавжуда Ташпулатовна*
АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ ....................531-538

*Abduxolikova Nasiba Alijonovna*
YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBIY SALBIY OMILLAR ....................539-544

*Yazdonov Zikirillo Shukurilloyevich*
QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI ....................545-552

*Sharipova Barno Salimovna*
BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI ....................553-558

*Xalikulova Umida Rustamovna*
AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR ....................559-564

*Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida*
OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI ....................565-571

*Tog'ayev Nodirjon Ergashevich*
AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKISTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIYASIDA TUTGAN O'RNI ....................572-576

*Kipchoqov Xomidjon Gulomovich*
JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA ....................577-581

*Raximova Rayxon Abdurasulovna*
ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI ....................582-586

*Агзамова Нилюфар Шухратовна*
"АДАБ АЛЬ-ТАБИБ" КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ ....................587-591

*Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich*
INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA ....................592-596

*Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li*
DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOIY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSIYASI ....................597-603

*Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna*
GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O‘ZGARISHLARNING O‘ZIGA XOS JIHATLARI ........ 604-609

*Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi*
O‘ZBEKISTONDA OLIY TA’LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI ........ 610-615

*Tagayev Ganisher Xasanovich*
YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIIY-ESTETIK OMILLARNING O‘RNI ........ 616-625

*Шоназаров Жамшид Шуҳратович*
БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯСИ ........ 626-630

*Ҳамраев Сирож Абруевич*
ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ ........ 631-637

*Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich*
MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG‘IBOT TEXNOLOGIYALARI: O‘ZBEKISTON VA XORIJ TAJRIBASI ........ 638-642

*Hashimova Gulsina Ismoyilovna*
HARBIY IJTIMOIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA’MINLASHDAGI ROLI ........ 643-648

*Karimova Gulnoza Yigitaliyevna*
AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY ZARURIYATI ........ 649-655

*Sharipova Kamola Usmonjonovna*
YANGI O‘ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA’MINLASH BO’YICHA ILG‘OR XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI ........ 656-661

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№12/1(3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*08.00.00- Иқтисодиёт фанлари*

**Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич**
Қорақолпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти «Агробизнес ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси доценти вазифасини вақтинча бажарувчи, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори , PhD

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги, трансформациялашув жараёни, ақлли қишлоқ хўжалиги тушунчаларининг моҳияти баён этилган. Қишлоқ хўжалиги ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, қишлоқда аҳоли даромадини ошириш, ишсизлик даражасини пасайтириш, ўрта мулк эгалари қатламини ошириш билан деҳқон хўжаликлари республикадаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни таҳлил қилинган. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларининг трансформациялашув жараёнларини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар**: трансформациялашув жараёни, тадбиркорлик субъектлари, деҳқон хўжаликлари, ўсиш нуқталари, бизнес муҳитини, ARIMA модели, экологик талаблар, географик жойлашуви, анкета сўровлари.

**Mambetnazarov Bakhit Bisenbaevich**
Acting Associate Professor of the Department of Agribusiness and Accounting, Karakalpak Institute of Agriculture and Agricultural Technologies, Doctor of Philosophy in Economics, PhD

## DEVELOPMENT PROSPECTS FOR BUSINESS ENTITIES IN AGRICULTURE

**Abstract.** The article reveals the essence of the concepts of agricultural entrepreneurship, transformation process and smart agriculture. The role of farms in ensuring socio-economic stability in the republic is analyzed when adopting regulatory legal documents on the development of agriculture, increasing rural incomes, reducing unemployment, and increasing the number of owners of average property. Proposals and recommendations have been developed aimed at developing processes of transformation of economic entities in agriculture in Karakalpakstan.

**Key words**: transformation process, business entities, dekhkan farms, growth points, business environment, ARIMA model, environmental requirements, geographical location, questionnaires.

**Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич**
и.о доцента кафедры «Агробизнес и учет» Каракалпакского института сельского хозяйства и агротехнологий, доктор философии по экономики, PhD

## ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИЗНЕС-СУБЪЕКТОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

**Аннотация.** В статье раскрыта суть понятий аграрного предпринимательства, трансформационного процесса и умного сельского хозяйства. Проанализирована роль дехканских хозяйств в обеспечении социально-экономической стабильности в республике при принятии нормативных правовых документов по развитию сельского хозяйства, повышении доходов населения на селе, снижении уровня безработицы, увеличении слоя владельцев средней собственности. . Разработаны предложения и рекомендации, направленные на развитие процессов трансформации хозяйствующих субъектов сельского хозяйства Каракалпакстана.

**Ключевые слова**:процесс трансформации, субъекты хозяйствования, дехканские хозяйства, точки роста, бизнес-среда, модель ARIMA, экологические требования, географическое положение, анкеты.

DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N39

**Кириш.** Жаҳонда аҳоли сонининг ошиши туфайли инсониятни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, иқтисодий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни сақлашда қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигининг, хусусан, деҳқон хўжалиги фаолиятининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. “Дунёда 600 миллиондан ортиқ деҳқон хўжалиги мавжуд бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги майдонининг 70–80 фоизини эгаллади ва озиқ-овқат маҳсулотларининг 80 фоизини ишлаб чиқармоқда” [9]. Шу боис, озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ва сифатини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни шакллантиришнинг катта манбаи бўлган деҳқон хўжаликларининг фаолиятини ривожлантириш муҳим вазифалар қаторига киради.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда қишлоқ жойларда деҳқончилик асосдаги тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, барқарор иқтисодий ривожлантиришга оид назарий-методологик муаммоларни ўрганиш, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан самарали фойдаланиш ва янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш каби масалалар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда[4]. Қишлоқда аҳоли даромадини ошириш, ишсизлик даражасини пасайтириш, ўрта мулк эгалари қатламини ошириш билан деҳқон хўжаликлари республикадаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни кенгайиб ва ривожланиб бормоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Янги Ўзбекистонда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги таъминланиши натижасида мамлакатимизда кейинги йилларда халқимизнинг турмуш шароитини янада яхшилашга, тадбиркорликни жадал ривожланиши ва иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш муҳим йўналиш сифатида белгилаб олинди. Жумладан, «...маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш»[1] бўйича қатор вазифалар белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 155-сон “2022–2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

қарори ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолияти олдида турган муҳим вазифалар этиб белгиланди [1], [2], [3].

М.К.Пардаев ва З.Н.Қурбонов тадқиқотларида «оилавий тадбиркорлик» тушунчасига «Оила мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик оилавий тадбиркорлиги деб аталади», деб таъриф берилиши ҳам бежиз эмас[5]. Бундан ташқари, ушбу атама оилавий хўжаликлар фаолиятининг замонавий ҳолатидан келиб чиқиб, Г.М.Шодиева томонидан «Оила тадбиркорлиги, деб оила мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада даромад (фойда) олишни кўзлаб қилинадиган фаолиятга айтилади», деб янада аниқлаштирилган[6].

Бундан ташқари, ушбу масалаларни Ўзбекистонда тадқиқ этган олим Б.Б.Беркинов уй хўжалигини бирмунча кенг маънода ифодалаб, «Оила унинг аъзоларига маиший хизмат кўрсатиш, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш, уйда натура ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш сингари хўжалик юритиш бўйича анъанавий уй ишлари йиғиндисини ўз ичига олади», деб таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳозирги вақтда қўлланувчи «уй хўжалиги» тушунчаси кенг маънода ўта мураккаб, кўп қиррали бўлганлиги боис, уни «индивид» ва «оила» тушунчалари билан тавсифланувчи, лекин айни пайтда унга ўхшаш бўлмаган (чунки у бир индивиддан ҳам, бир неча деҳқон аъзоларидан ҳам таркиб топиши мумкин) кичик иқтисодий тизим сифатида» ўрганиш тўғри бўлади...» деб қайд этадилар[7].

Россиялик олим А.П.Градовнинг фикрига қўшилган ҳолда қайд этиш жоизки, давлат томонидан қишлоқ ҳудудлардаги деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш дастурлари, аввало, аҳолининг фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ишлари билан кафолатли таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнидаги бандлиги, манфаатдорлинини ошириш, чўл ҳудудларидаги демографик ҳолатни яхшилашни кўзда тутиши лозим.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ жойларида фаолият юритаётган деҳқон хўжаликларининг ҳозирги иқтисодий ҳолати, уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнидаги ўзига хос хусусиятларини таҳлил этилган, ҳудудий деҳқон хўжаликларидан самарали фаолият юритиш жараёнига таъсир этувчи омилларни таҳлил этилган. Қорақалпоғистон Республикаси деҳқон хўжаликларининг трансформациялашув жараёнлари ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини прогноз қилинган. Бунда эксперт баҳолаш, анкета сўрови, тизимли ва қиёсий таҳлил, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш, статистик гуруҳлаш усул-лари тадқиқот методологиясини ташкил этади. усуллари тадқиқот методологиясини ташкил этади. Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон хўжаликлар фаолияти баён этилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Таҳлилларимиз кўрсатилишича, 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича тадбиркорлик субъектлари энг юқори улуши қишлоқ хўжалигида 95,1 фоиз, йўловчи айланмасида 93,9 фоиз, қурилиш ишларида 87,4 фоиз, юк ташишда 92,3 фоиз,чакана савдо айланмасида 93,9 фоизни ташкил этди [10]. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз томонидан бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида

яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий ўзгартганлигини кўриш мумкин.

Ҳудудий қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдонни 26708 минг гектарни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2021 йилда 37045 минг гектарга тенг бўлган. Шундан қишлоқ хўжалиги ерлари боғ ва узумзорлар 3731 минг гектардан ошиқ бўлиб, 2000 йилга солиштирганда қарийб 65 фоизга кўпайган. Республикада 2021 йилда картошканинг 67,0 фоизи, сабзавот маҳсулотларининг 60,6 фоизи, меванинг 44,1 фоизи, узумнинг 55,7 фоизи деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган(1-жадвал).

**Қорақалпоғистон деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг ўзгариши динамикаси, минг тонна**

| Йиллар | Дон | | Картошка | | Сабзавот | | Мева | | Узум | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | минг тонна | %* | минг тонна | %* | минг тонна | %* | минг тонна | %* | минг тонна | %* |
| **2005** | 49,7 | 30,6 | 12,6 | 99,2 | 39,3 | 69,3 | 5,8 | 56,3 | 1,7 | 88,4 |
| **2010** | 70,4 | 23,5 | 21,1 | 67,8 | 69,7 | 51,9 | 10,5 | 42,3 | 2,9 | 84,2 |
| **2011** | 59,2 | 29,6 | 21,0 | 63,9 | 80,6 | 55,4 | 11,6 | 42,4 | 3,2 | 85,8 |
| **2012** | 62,3 | 22,4 | 26,5 | 72,7 | 100,3 | 60,2 | 14,3 | 47,0 | 3,5 | 85,1 |
| **2013** | 67,5 | 30,2 | 28,9 | 73,3 | 120,1 | 59,6 | 16,3 | 49,1 | 3,8 | 85,1 |
| **2014** | 70,5 | 32,4 | 31,0 | 69,4 | 130,7 | 57,4 | 19,3 | 52,3 | 4,5 | 85,9 |
| **2015** | 69,2 | 26,0 | 34,4 | 72,1 | 147,5 | 61,1 | 22,0 | 53,8 | 4,9 | 85,4 |
| **2016** | 69,8 | 23,6 | 38,5 | 73,2 | 157,1 | 61,3 | 23,2 | 53,1 | 5,1 | 84,8 |
| **2017** | 71,5 | 24,1 | 46,3 | 75,4 | 172,3 | 70,3 | 27,6 | 58,9 | 5,8 | 83,4 |
| **2018** | 71,3 | 28,9 | 50,8 | 72,2 | 176,0 | 69,6 | 30,0 | 60,7 | 6,1 | 80,4 |
| **2019** | 42,8 | 14,6 | 57,7 | 69,0 | 171,8 | 62,7 | 27,0 | 48,1 | 5,5 | 54,4 |
| **2020** | 39,3 | 14,2 | 58,4 | 68,2 | 175,9 | 61,4 | 26,4 | 45,7 | 5,9 | 56,9 |
| **2021** | 37,0 | 13,7 | 59,9 | 67,0 | 182,8 | 60,6 | 27,3 | 44,1 | 6,2 | 55,7 |
| **2021йилда 2005 йилга нисбатан марта** | **0,7** | **-16,9 ф.б.** | **4,7** | **-32,2 ф.б.** | **4,6** | **-8,7 ф.б.** | **7,7** | **-12,2 ф.б.** | **3,6** | **-32,7** |

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигидаги қўй–эчкиларнинг қарийб 88 фоизи, қора молларнинг 96,0 фоизидан кўпроғи, паррандаларнинг 72,0 фоизи деҳқон хўжаликларида жойлашган. Республикадаги ўртача битта деҳқон хўжалигига (қишлоқ жойларида) 3,2 бош қорамол (шундан 1,2 фоизи соғин сигир), 6,5 бош қўй ва эчки, 14 бош парранда тўғри келади.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси аграр сектори мамлакат минтақаларидан фарқли равишда, ўзига хос мураккаб экологик оғир вазиятларни эътиборга олган ҳолда иш юритиш талаб этилиши билан ажралиб туради. Шуни ҳисобга олиб, диссертацияда деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш истиқболлари кўп вариантли эконометрик моделлар тузиш орқали асосланди.Эконометрик моделлар ичидан статистик баҳолаш мезонлари қийматларини таққослаш ҳамда ARIMA модели ва STATA дастуридан фойдаланган ҳолда прогноз моделлари тузиш орқали аниқланди. Танланган

моделлардан фойдаланиб Қорақалпоғистон Республикаси деҳқон хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик фаолиятини ривожлантириш вариантлари прогнози амалга оширилди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Қорақалпоғистон Республикасида деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланишининг прогнозвариантлари (минг тн.)**

| Кўрсаткичлар | ақиқатда (2021 й) | Прогноз | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2024 й | | | 2026 й | | |
| | | I | II | III | I | II | III |
| Дон | 37,0 | 33.57 | 36,57 | 39.57 | 32,0 | 35,00 | 38,0 |
| Картошка | 59,9 | 67.22 | 70,22 | 73.22 | 73,13 | 76,13 | 79,13 |
| Сабзавот | 182,8 | 201.67 | 204,67 | 207.67 | 219,24 | 221,24 | 224,24 |
| Мева | 27,3 | 29.1 | 32,10 | 35.1 | 31,76 | 34,76 | 37,76 |
| Узум | 6,2 | 6,42 | 7,28 | 10,25 | 7,04 | 7,88 | 10,88 |
| Гўшт (сўйилган вазнда) | 116,1 | 114 | 126 | 138 | 123 | 135 | 147 |
| Тухум | 280,0 | 303 | 315 | 327 | 331 | 343 | 355 |
| Сут | 376,0 | 417 | 429 | 441 | 444 | 456 | 468 |
| Ҳосилдорлик, ц/га | | | | | | | |
| Дон экинлари | 30,6 | 22,0 | 30 | 38,0 | 22,0 | 30 | 38,0 |
| Картошка | 109,6 | 114 | 122 | 130 | 120 | 128 | 132 |
| Сабзавот | 168,1 | 176 | 184 | 182 | 182 | 193 | 201 |
| Полиз | 147,8 | 142 | 150 | 158 | 149 | 157 | 165 |
| Қора моллар Шундан, | 1092,4 | | | | | | |
| Сигирлар | 309,7 | 311,2 | 329 | 419 | 332,0 | 340 | 430 |
| Қўй ва эчкилар | 991,0 | 1094 | 1184 | 1274 | 1189 | 1279 | 1369 |
| Паррандалар | 4067,0 | 4883 | 4973 | 5036 | 5364 | 5454 | 5544 |

Прогноз натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси деҳқон хўжаликларида 2024–2026 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлариетиштириш ҳамда истеъмол қилишнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолиш тенденцияси мавжуд. Ўсиш суръатлари асосан экинлар ҳосилдорлиги ҳамда такрорий экинлар экиш майдонлари кенгайиши ҳисобига юз беради. Прогноз қилинаётган даврда деҳқон хўжаликларида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, энг аввало моллар бош сонининг кўпайиши ва уларнинг маҳсулдорлиги ошиши ҳисобига юз беради.

Анкета сўровлари натижалари умумлаштириш кўриб чиқилаётган гуруҳга киритилган деҳқон хўжаликларида (2021 йилда) 18,1 минг тонна дон,шундан, 3,5 минг тонна картошка, 16,1 минг тонна сабзавот, 2836 минг тоннамева ва резаворлар, 2,8 минг тонна сут ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани қишлоқ фуқаролар йиғини деҳқон хўжаликларининг экин майдони ва чорва моллар таркиби[8]**

| Т/Р | ОФЙ ва МФЙ номи | Хонадонлар сони | Жами экин майдони, гектар | Шундан | | | | | а моллар сони, бирлик | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами сабзавот | Жами полиз | Дуккакли экинлар | Мойли экинлар | Бошқа экинлар | Қорамол | Қўй ва эчкилар | рандалар |
| 1 | Оқтерак | 186 | 31,2 | 10,8 | 4 | 2,2 | 1 | 6,6 | 845 | 674 | 937 |
| 2 | Кирантов | 992 | 91,9 | 32,1 | 11 | 6,5 | 2 | 19,3 | 1322 | 557 | 10365 |
| 3 | Такиркул | 1894 | 183,8 | 63,8 | 21 | 11,1 | 5 | 38,6 | **816** | **264** | **4284** |
| **1-гуруҳ** | | **3 072** | **306,9** | **106,7** | **35,5** | **19,8** | **7,7** | **64,5** | **2983** | **1495** | **15586** |
| 4 | Бақаншақли | 1463 | 172,5 | 60,1 | 20,0 | 12,0 | 4 | 36,2 | **826** | **1261** | **2286** |
| 5 | Кутанкул | 676 | 49,8 | 17,5 | 6 | 3,5 | 1 | 10,5 | **3150** | **1600** | **3500** |
| **2-гуруҳ** | | **2139** | **222,3** | **77,6** | **25,8** | **15,5** | **5,7** | **46,7** | **3976** | **2861** | **5780** |
| 6 | Арбаши | 758 | 77,3 | 27,2 | 9 | 5,4 | 2 | 16,2 | 1986 | 1581 | 2794 |
| 7 | Кердер | 458 | 48,8 | 17,0 | 6 | 3,4 | 1 | 10,2 | 1869 | 1857 | 1580 |
| 8 | Ток тау | 531 | 20,5 | 7,3 | 2 | 1,5 | 1 | 4,3 | **387** | **520** | **2197** |
| **3-гуруҳ** | | **1747** | **146,6** | **51,5** | **16,9** | **10,3** | **3,8** | **30,7** | **4242** | **3958** | **6571** |
| 9 | Саманбой | 2891 | 149,3 | 52,0 | 17 | 10,5 | 4 | 31,3 | **387** | **520** | **2197** |
| 10 | Оқманғит | 1107 | 56,0 | 19,6 | 7 | 3,9 | 1 | 11,8 | 324 | 268 | 937 |
| **4-гуруҳ** | | **3998** | **205,3** | **71,6** | **23,6** | **14,4** | **5,2** | **43,1** | **711** | **788** | **3134** |
| **Жами** | | **10 956** | **881,1** | **307,4** | **101,8** | **60,0** | **22,4** | **185,0** | **23834** | **9102** | **34211** |

Анкета сўрови ўтказилган 55 та деҳқон хўжалигида 38 таси, ёки 43 фоизи имтиёзли кредитлар деҳқон хўжалигини ривожлантириш, чорвамоллари сотиб олиш, парранда сонини кўпайтириш, иссиқхона қуриш яхши навли уруғлик сотиб олиш ва бошқа тур тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун зарурлигини кўрсатиб ўтган.

Деҳқон хўжаликларининг катта иқтисодий салоҳияти ҳамда имкониятлари ҳозиргача тўлиқ ишга солинмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири – аҳоли даромадларини шакллантирувчи бозормеханизмларининг ва тадбиркорлик учун кичик кредитлар бериш, маҳсулотлар етиштириш учун фьючерс шартномаларини тузиш етарлича ривожланмаганлиги ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида "деҳқон", "деҳқон хўжалиги" тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мазмуни кенгайиб, уларга фақат истеъмолчи субъект сифатида эмас, балки, иқтисодий

муносабатларнинг асосий иштирокчиси эканлигини ҳисобга олиб ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчаларга доир турли хил қарашлар мавжуд. Бу тушунчаларни назарий жиҳатдан тадқиқ қилиб ҳар бирининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди.

➢ Қишлоқ жойларида оилавий асосдаги тадбиркорликни ривожлантириш бандлик муаммосини, айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имкониятини яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали деҳқонларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

➢ Қишлоқ ва шаҳарларда ҳар қандай хизмат турини кўрсатаётган тадбиркорларга солиқлар ва ягона ижтимоий тўловларни янада камайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур тўлов турлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шу орқали оила даромадлариникўпайтиришда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бу эса, деҳқонларнинг ўз маблағлари билан хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга имкон беради.

Қишлоқ жойларида деҳқон хўжаликлари ўзларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш салоҳияти билан фермер ва бошқа тоифадаги қишлоқ хўжалиги корхоналаридан устун туради, ва улар ер, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиб, деҳқон ўз истеъмоли учун ҳамда бозорда сотиш учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, шунинг эвазига катта фойда олади. Бунга деҳқон ва унинг аъзолари тадбиркорлигига қонун орқали берилган кафолатлар ҳамда уларни ишлаб чиқариш фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асос бўлиб хизмат қилмоқда.

## Adabiyotlar/Литература/References


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 1 февраль, №22 (544).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. https://lex.uz/docs/4567334.
3. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг г 2020 йил 11 ноябрьдаги «2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. www.lex.uz.
4. Б.Б.Мамбетазаров. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигининг хусусиятлари ва ривожлантириш истиқболлари (Қорақалпоғистон Республикаси деҳқон хўжаликлари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Нукус – 2023. www.ziyonet.uz.
5. Пардаев М.К., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд . Сам ҚИ. 1999.-18-Б

6. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги мулки ва даромадни ошириш йўллари// Сам ИСИ, Иқтисод ф.н.илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. Т. 1999 йил.
7. Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Fan va texnologiya, 2014, 7-б.
8. Градов А.П. Национальная экономика / А.П.Градов. - СПб.: Питер, 2007. - 432 с.
9. https://www.fao.org/3/cb8227en/cb8227en.pdf
10. qrstat.uz

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3I12.1Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 12/1 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).